МАТЕРИАЛЫ МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНОЙ-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

РОЛЬ НАУКИ В РАЗВИТИИ СОВРЕМЕННОГО ОБЩЕСТВА

(31-ЯНВАРЯ)

ОМСК - 2023

Редакционная коллегия:
Доктор экономических наук, профессор С.А.Морозов

Р17 РОЛЬ НАУКИ В РАЗВИТИИ СОВРЕМЕННОГО ОБЩЕСТВА: материалы международной научно-практической конференции (31 ЯНВАРЯ 2023 г., Омск) Отв. ред. Морозов С.А. – Издательство ЦПМ «Академия Науки», Омск 20 32. - 146 с.

978-5-907385-81-8

Сборник содержит научные статьи и тезисы ученых Российской Федерации и других стран. Излагается теория, методология и практика научных исследований в области информационных технологий, экономики, образования, социологии.

Для специалистов в сфере управления, научных работников, преподавателей, аспирантов, студентов вузов и всех лиц, интересующихся рассматриваемыми проблемами.

© Омский государственный педагогический университет, 2023
© Омский государственный технический университет, 2023
©Издательская компания "Nova-Print", 2023

Кобилова Шахноза Худойшукуровна
Чирчиқ давлат педагогика университети
Педагогика факультети Махсус
педагогика кафедраси ўқитувчиси
kabilovashaxnoza4@gmail.com

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМДАГИ ИНТЕГРАЦИОН ЖАРАЁН ХАВФСИЗ ҲАЁТ МУҲИТИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Аннотация: Ушбу мақолада имконияти чекланган ўқувчиларнинг билимлари, кўникмалари ва қобилиятлари, уларни шахсий ва касбий муҳим фазилатларининг диалектик бирлигини таъминлашда интеграцион омиллардан фойдаланиш, инклюзив таълим мазмуни интеграцияси ўрганилаётган фанларни режа ва дастурларини мувофиқлаштириш, улар ўртасида фанлараро алоқаларни ўрнатиш, интеграцион мақсадларга эришишни оптималлаштириш имконияти чекланган ўқувчилар ҳаёт хавфсизлигини таъминловчи омил эканлиги педагогик жиҳатдан таҳлил этилган.

Калит сўзлар: инклюзив таълим, интеграция, инклюзив таълим, имконияти чекланган ўқувчи, кўникма, шахсий ва касбий муҳим фазилат, диалектик бирлик, таълим мазмуни, фан режалари, дастурлар, мувофиқлаштириш, педагоги омиллар, чекланган ҳаётий фаолият, шароит, ижтимоий мослашув, амалий механизм.

Kobilova Shakhnoza Khudoyshukurovna
Chirchik State Pedagogical University
Faculty of Pedagogy
Teacher of the Department of Special Pedagogy

THE INTEGRATIVE PROCESS IN INCLUSIVE EDUCATION AS A FACTOR OF STABILIZING A SAFE LIFE ENVIRONMENT

Abstract: This article discusses the knowledge, skills and abilities of students with disabilities, the use of integration factors to ensure the dialectical unity of their personal and professional important qualities, the integration of the content of inclusive education, the coordination of plans and programs. studied subjects, establishing interdisciplinary links between them, optimizing the achievement of the integration goals of students with disabilities is pedagogically analyzed, which is a factor that ensures life safety.

Key words: inclusive education, integration, inclusive education, disabled student, skill, personal and professional qualities, dialectical unity, content of education, subject plans, programs, coordination, pedagogical factors, limited life activity, conditions, social adaptation, practical mechanism.

Инклюзив таълимда интеграцион муҳитни қарор топтириш, замонавий инновацион ёндашувнинг муҳим омилларидан бири бўлиб, имконияти чекланган ўқувчилар фаолиятида муҳим рол ўйнайди. Е.О.Галицких фикрича, интеграция замонавий тизимли тафаккурнинг умумий методологияси, универсал мантиқий усулларига асосланган турли тизимлардан олинган илмий билимларни мос келишини таъминлайди[3].

Интеграция жараёни туфайли бир ўқув фанидан олинган билимларни бошқа фанда қўллаш ҳисобига турли фанларнинг ўзаро бойиши ва ривожланиши содир бўлади. Е.О.Галицких таъкидлашича, интеграция жараёнларини амалга ошириш тўртта асосий даражада амалга оширилади:

- фанлараро интеграция – яхлит онгни, ижодий фаолиятнинг моҳиятини англашни ва уни амалга оширишга услубий тайёргарликни таъминловчи турли фанларни фундаментал ғоялари, тамойиллари, усуллари даражасидаги интеграция;

- бир фаннинг бўлимлари ўртасида семантик, мазмунли, таркибий ва технологик алоқаларни ўрнатишга қаратилган фан ичидаги интеграция. Ушбу турдаги интеграция магистрал алоқаларни, шунингдек, назария ва амалиёт ўртасидаги алоқаларни аниқлаш имконини беради;

- тадқиқот диалогик ўзаро таъсир доирасининг кўп томонлама очиқлиги орқали ҳамкорликни ўрнатиш ва биргаликда яратиш билан тавсифланган шахслараро интеграция;

- ютуқларни ўрганиш ва янги шахсий тажрибани шакллантиришни таъминлайдиган ички интеграция, бу фаолиятга рефлексли тайёрлик, ҳамда касбий фикрлашни шакллантиришда ифодаланади[3].

Нуқтаи назаримизча ҳозирги вақтда педагогик интеграция нафақат мақсадлар, тамойиллар, мазмун, ташкил этиш шакллари бирлигини ифодалашнинг энг юқори шакли, балки таълим жараёнининг турли таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқлиги асосида кенгайтирилган педагогик бирликларни яратиш сифатида қаралади.

Интеграциялашган мақсаддан айнан тадқиқот ишимизда фойдаланишимиз - имконияти чекланган ўқувчиларнинг билимлари, кўникмалари ва қобилиятлари, уларнинг шахсий ва касбий муҳим фазилатларининг диалектик бирлигини таъминлашдир.

Инклюзив таълим мазмунининг интеграцияси ўрганилаётган фанларни режалари, дастурларини мувофиқлаштириш ва улар ўртасида фанлараро алоқаларни ўрнатишда ифодаланади. Шу билан бирга, инклюзив таълим жараёнида шакл ва усулларнинг интеграцияси мақсадларга эришишни оптималлаштиришни таъминлайди, уларнинг онгли равишда танланиши ва бир-бирини тўлдиришини, ҳамда ҳаёт хавфсизлигини ўрганишда бирликни кўрсатади. Бу бирлик, аввало, илмий фактлар, тушунчалар ва қонуниятлар даражасида мустаҳкамланади, кейин у умумий шаклда ифодаланади. Унинг самарадорлиги имконияти чекланган ўқувчиларни хавфсиз ҳаётга тайёргарлигини шакллантириш билан белгиланади.

Жамиятимизда мавжуд таълим стандартининг таҳлили шуни кўрсатдики, унда имконияти чекланган ўқувчиларни хавфсиз ҳаёти ва унга тайёргарлик тўғрисида фанлар бўйича тарқоқ индивидуал маълумотлар мавжуд, аммо у бир тизимга мувофиқлашмаган, ҳамда амалга ошириш механизми назарий асос билан чегараланган. Шу билан бирга, имконияти чекланган ўқувчиларнинг шахсий хавфсизлиги, чекланган ҳаётий фаолият шароитида уларни соғлиғини сақлаш ва ижтимоий мослашувни яхлит кўриниши амалий механизмлари мавжуд эмас.

Инклюзив таълимдаги бу каби муаммони фанларнинг умумий таълим дастурларини мувофиқлаштириш, хавфсиз ҳаёт фаолияти компоненти модулларини ажратиш, фанлараро интеграциясини ҳисобга олган ҳолда амалий фаолият билан уйғунлашишини тақозо этади.

Мазмунан олиб қарайдиган бўлсак, бу жараён ҳар бир имконияти чекланган ўқувчилар учун ўқув материалининг мантиқий тўлдирилган қисмини бажариш учун зарур бўлган компетенцияни шакллантиради. Шунингдек, ушбу ўқув материалида имконияти чекланган ўқувчиларнинг атроф-муҳитда ва касбий фаолиятида ҳаётий хавфсизлиги тўғрисида тўлиқ маълумот шаклланади. Имконияти чекланган ўқувчилар ҳаёти хавфсизлигини ўргатишда интегратив-модулли ёндашувдан фойдаланиш, инклюзив таълим мазмунининг ташкилий-методик жиҳатдан янада оширади.

Интегратив-модулли ёндашувдан фойдаланиш имконияти чекланган ўқувчиларга атроф-муҳитни ўрганиш, улар билан ўзаро муносабат, шахсий ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш ва ижтимоий мослашишни янада тезлаштиради, ҳамда самарадорлигини оширади.

Имконияти чекланган ўқувчиларни касбий тайёрлаш учун инклюзив ўқув муҳитини услубий моделлаштириш асосида келажакда уларнинг хавфсиз ҳаётга тайёргарлигини шакллантиришни асосий йўналишлари қуйидагиларда акс этади деб ўйлаймиз:

- индивидуал таълим эҳтиёжларига мувофиқ ёндашувда;

- имконияти чекланган ўқувчиларнинг манфаатлари ва фаолиятларига мос келадиган тизимни амалиётда жорий этилишида;

- бирлаштириш, инклюзив ўқув жараёнининг барча таркибий қисмларини бирлаштиришда;

-, имконияти чекланган ўқувчиларни барқарор социализация жараёнига босқичма-босқич ўтказишни замонавий педагогик-психологик дастурини ишлаб чиқиш ва мавжудларини оптималлаштиришда.

Амалий таълим сифатини ошириш ҳозирги вақтда бутун дунё ҳамжамиятининг долзарб муаммоларидан биридир. Ушбу муаммони ҳал қилиш таълимни модернизация қилиш, ўзига хос хусусиятларни тушуниш ва ўқув жараёнини ташкил этиш усуллари, ҳамда технологияларини оптималлаштириш билан боғлиқ [9].

Хулоса қилиб айтганда, замонавий педагогик таълим муҳитини барқарорлаштириш имконияти чекланган ўқувчиларнинг шахсий хавфсизлиги ва ижтимоий мослашувини ривожлантиришда, ҳамда ижтимоий интеграциясини мувофиқлаштиришда муҳим рол ўйнайди. Шунингдек, бу жараён инклюзив ўқув жараёнини барча иштирокчилари ўртасида боғловчи рол ўйнайди ва бир қатор босқичларни ўз ичига олади:

-*биринчидан*, имконияти чекланган ўқувчиларнинг қобилиятларини аниқлаш ва мустақил иш йўналишини танлашда ёрдам бериш учун келажакдаги касб асослари, ҳамда ўқув жараёнини ўзига хос хусусиятлари билан танишишни назарда тутади;

– *иккинчидан,* имконияти чекланган ўқувчиларнинг ижтимоий мослашуви ва касбий билимларини ошириши, ҳамда келажакдаги фаолиятига қизиқишларини шакллантиришни таъминлайди;

-*учинчидан,* амалиётга йўналтирилган технологиялар асосида имконияти чекланган ўқувчиларни ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соҳа ва касбларга индивидуал фаолиятини мувофиқлаштиради.

-тўртинчидан, имконияти чекланган ўқувчиларни индивидуал фаолият позицияни ривожлантиради, ҳамда амалиётга йўналтирилган ижтимоий-маданий имкониятларини ошириб, хавфсиз хулқ-атвор омиллари манбаларини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Асадуллин Р.М. Интеграция как новая форма сопряжения образования, науки и практики в регионе // Аккредитация в образовании. – 2009. – № 32.– С.16 – 18.

2. Белов С. В. Безопасность жизнедеятельности и защиты окружающей среды (техносферная безопасность). М., 2011. 680 с.

3. Галицких, Е.О. Интегративный подход к профессиональному становлению учителя на этапе вузовской подготовки / Е.О. Галицких // Вестник ВГПУ. – 1999. – №2. – 271 с.

4. Девисилов В.А., Павлихин Г.П. Компетенции по безопасности жизнедеятельности в стандартах высшего образования // Высшее образование в России. 2009. №7. С. 179–180.

5. Қодирова Ф.У., Қобилова Ш.Х. Таълим кластери асосида инклюзив таълимга жалб этилган ўқувчилар ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш шарт-шароитлари / Инклюзив таълимнинг долзарб масалалари: муаммо ва уларнинг ечимлари. Халқаро илмий-амалий конференция 2021-йил, 25-март. –Б 85-86.

6. Ляшко В. Г. Теоретические основы безопасности жизнедеятельности человека // Изв. Волгогр. гос. техн. ун-та. 2007. Т. 7, № 4.С.114–116.

7. Малофеев Н.Н. Почему интеграция в образовании закономерна и неизбежна // Альманах ИКП РАО - 2007. - № 11.

8. Назарова Н.М. К проблеме разработки теоретических и методологических основ образовательной интеграции / Н.М. Назарова // Психологическая наука и образование. – 2011. – № 3. – С. 5-11

9. Петрова И.В. Практико-ориентированное обучение как инструмент формирования профессиональных компетенций студентов строительных специальностей / И.В. // Сибирский педагогический журнал – № 8 – 2010. – С. 293–302.

10. Фролова, Е. Ю. Система повышения квалификации педагогов инклюзивного (интегрированного) образования в Самарской области / Е.Ю. Фролова // Инклюзивное образование: методология, практика, технология: материалы Междунар. науч.-практ. конф. / Моск. гор. психол.-пед. ун-т; редкол.: С.В. Алехина [и др.]. – Москва, 2011. – С. 229-231;

11. Шипицына Л.М. Интеграция – ведущее на-правление специального образования в России на рубеже XXI века [Текст] / Л.М. Шипицына // Инновации в российском образовании: специальное (коррекционное) образование - 2000. – М.: Изд-во МГУП, 2000. – С.12-17.

ОГЛАВЛЕНИЕ

Akulin E.V. CHARACTERISTICS AND FEATURES OF THE PROBLEMS OF SYSTEM ANALYSIS	3
Набиханова Ж.А. ФОРМИРОВАНИЕ У СТУДЕНТОВ НАПРАВЛЕНИЯ «ИНФОРМАЦИОННАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ» ПРАКТИЧЕСКИХ НАВЫКОВ ЗАЩИТЫ ИНФОРМАЦИИ ПРИ ПОМОЩИ КИБЕРИГР	7
Данилушкин А.Ю. ВЛИЯНИЕ КОМБИНИРОВАННОЙ ФОРМЫ ОБУЧЕНИЯ УЧИТЕЛЕЙ ПРОФИЛЬНЫХ МЕДИЦИНСКИХ КЛАССОВ НА ЭФФЕКТИВНОСТЬ ИХ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ	11
Добровенскис Д.В. ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ОРГАНИЗАЦИИ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ	18
Ойхужаева У.А. ОСНОВНЫЕ ТРУДНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАТИВНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В КАЧЕСТВЕ ИНСТРУМЕНТА НЕОБХОДИМОГО ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ САМООБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ МОТИВАЦИИ У СТУДЕНТОВ	23
Раньжина И.В. РЕГИОНАЛИЗАЦИЯ КАК ИНСТРУМЕНТ ФОРМИРОВАНИЯ «ПАРАДИПЛОМАТИИ» РЕГИОНОВ	28
Соколов П.Р. ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ФОРМИРОВАНИЯ УСЛОВИЙ У СТУДЕНТОВ ЦЕННОСТНОЙ ОРИЕНТАЦИИ НА ЗДОРОВЬЕ И ЗДОРОВЫЙ ОБРАЗ ЖИЗНИ	33
Турдалиева Г.У. ФОРМИРОВАНИЕ ОРГАНИЗАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЧИТЕЛЯ ПО ПОВЫШЕНИЮ АКАДЕМИЧЕСКОГО РЕЙТИНГА И МОТИВАЦИИ У СТАРШИХ ШКОЛЬНИКОВ	40
Абдужалилова Ш.А., Абдалова С.Р. ОПЫТ ОРГАНИЗАЦИИ ПРОЦЕССА САМООБРАЗОВАНИЯ СТУДЕНТОВ В ПРОЦЕССЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ	46
Черняк Т.Г. ПРЕПОДАВАТЕЛЯМ – РУКОВОДИТЕЛЯМ ПРОЕКТОВ ОБ ОСОБЕННОСТЯХ ПОДГОТОВКИ ГОРОДСКОГО КОНКУРСА «САЛЮТ ПОБЕДЫ»	50
Қузманова Г.Б. ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФАНИДАН ДАРСДАН ТАШҚАРИ ЎҚУВ ФАОЛИЯТИНИ ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАР ЁРДАМИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ	56
Quzmanova G.B., Boltaboyeva D. YUQORI TARTIBLI TENGLAMALARNI YECHISH USULLARI	63
Xalilova R.E. UMUMTA’LIM MAKTABLARI VA AKADEMIK LISEYLARDA FIZIKANI O‘QITISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH MASALALARI TO‘G‘RISIDA	70
Тулаганов А.А. ЎҚУВ-МАШҒУЛОТ ЖАРАЁНИДАГИ ҚУЛАЙ ВА НОҚУЛАЙ ОЁҚДАГИ БАЖАРИШДАГИ ПЕДАГОГИК КУЗАТУВ (ХРОНОМЕТРАЖ)	79

ҲАРАКАТЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШ ДИНАМИКАСИ (ФУТБОЛ СПОРТ ТУРИДА)	
Туляганов А.А. ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРДА МУСОБАҚА ЎЙИНЛАРИДАГИ ТЕХНИК УСУЛЛАРНИ ҚЎЛАЙ ВА НОҚУЛАЙ ОЁҚДА БАЖАРИЛИШИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ	91
Xamidova G.A. BOSHLANG'ICH SINFLARDA O'QISH TEZLIGINI OSHIRISH	101
Egamberganov J.K., Ismailov D. TRENDS IN THE ECONOMIC DEVELOPMENT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN: FACTORS FOR IMPROVING ECONOMETICS	106
Саиднасирова Р.З. СПОСОБ ПРОБУЖДЕНИЯ ИНТЕРЕСА К ИЗУЧЕНИЮ ТВОРЧЕСТВА ПИСАТЕЛЕЙ НА ЗАНЯТИЯХ ПО ИСТОРИИ РУССКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ	114
Olimova Q.S. BIOLOGIYA O’QITISH METODIKASI	120
G‘aniyev A.I. INSONNING BOSH MIYA PATOLOGIYALARI DIAGNOZIDA ELEKTROENSEFALOGRAFIK METODNI QO‘LLANISHI	125
Кобилова Ш.Х. ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМДАГИ ИНТЕГРАЦИОН ЖАРАЁН ХАВФСИЗ ҲАЁТ МУҲИТИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА	130
Болтаев Н.Ш. НАПРАВЛЕНИЯ ПОДГОТОВКИ КОНКУРЕНТОСПОСОБНЫХ КАДРОВ НА ОСНОВЕ РЫНОЧНЫХ МЕХАНИЗМОВ В СИСТЕМЕ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ	137